

ЃЎЗА ШИРАЛАРИНИ БИОЛОГИЯСИ, ТАРҚАЛИШИ РИВОЖЛАНИШИ, ЗАРАРЛИЛИК ДАРАЖАСИНИ ЎРГАНИБ ЭКОЛОГИК ТОЗА МАЃСУЛОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН ҲОЛДА УЙЃУНЛАШГАН КУРАШ ТИЗИМИНИ ҚЎЛЛАШ

М.Қ.Парпиева

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7479160>

Аннотация. Ушбу мақолада гўза шираларини биологияси, тарқалиши ривожланиши, зарарлилик даражасини ўрганиб экологик тоза маҳсулотлардан фойдаланилган ҳолда уйғунлашган кураш тизимини қўллаш ҳақида фикр юритилади.

Калим сўзлар: гўза, шира, зараркунанда, ўсимлик

STUDYING THE BIOLOGY, SPREAD AND DEVELOPMENT OF COTTON BOLLWORMS, THE LEVEL OF HARMFULNESS, AND APPLYING AN INTEGRATED CONTROL SYSTEM WITH THE USE OF ENVIRONMENTALLY FRIENDLY PRODUCTS

Abstract. This article examines the biology, spread, development, and harmfulness of cotton bollworms, and discusses the application of an integrated control system using environmentally friendly products.

Key words: cotton, aphid, pest, plant

ИЗУЧЕНИЕ БИОЛОГИИ, РАСПРОСТРАНЕНИЯ И РАЗВИТИЯ ХЛОПКОВОЙ СОВОЧНИКИ, УРОВНЯ ВРЕДНОСТИ И ПРИМЕНЕНИЕ КОМПЛЕКСНОЙ СИСТЕМЫ КОНТРОЛЯ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ЭКОЛОГИЧЕСКИ ЧИСТОЙ ПРОДУКЦИИ

Аннотация. В данной статье рассматриваются биология, распространение, развитие и вредоносность хлопковых совок, а также обсуждается применение комплексной системы контроля с использованием экологически чистых продуктов.

Ключевые слова: хлопчатник, тля, вредитель, растение.

Ѓўзага ўсимлик шираларини бир неча тури зарар етказди. Булар орасида беда ёки акация шираси гўза ёки полиз шираси ҳамда катта гўза шираси хавфлидир. Ўсимлик ширалари барглари суюкликларини сўради. Буни оқибатида поя ва илдизлардаги запас углеводлар микдори кескин камайиб кетади. Қаттиқ зарарланган барглари шакли ўзгаради ва бужмайиб қолади. Бундай ўсимликлар жуда суст ўсади. Зарарланган ўсимликларда ҳосил 30-51 % гача камайиши мумкин. Ўсимлик ширалари – Homoptera туркумига Aphidinea оиласига мансуб сўрувчи майда ҳашарот бўлиб чала ўзгариб ривожланади. Ўсимлик ширалари шакли жиҳатдан бир неча хил бўлади, чунки булар ўртасида тирик туғувчи қанотсиз урғочилари тухум қўядиган қанотсиз урғочилари қанотли эркеклари бор. Ширалар ҳароратга қараб 20-26 та беда бити эса 12-15 та гача авлод беради. Урғочилари ёзда 18 кун яшайди ва 150 та гача личинка туғади. Личинкалар ривожланиб тўрт марта туллайди ва беш ёшни кечиради. Оз-оздан ёгин тушиб турадиган сернам кўклам об ҳавоси ўсимлик битларининг ривожланишига ёрдам беради. Аммо шовуллаб ёққан кучли ёмғирлар уларни йўқотади. Об-ҳавоси қуруқ юқори ҳароратли туманлардан ўсимлик ширалари кўплаб ривожланмайди. Яшаш жойи алмашганда

уруғланган тухумлар асосий ўсимликларда қишлайди. Улардан бир иккита (қанотсиз) ширалар авлоди ривожланади. Иккинчи-учинчи авлодларда қанотсизлар орасида тирик туғувчи қанотли урғочилари пайдо бўлиб улар оралиқ экинларга учиб ўтиб, бир қанча қанотсиз шира авлодларини бера бошлайди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда шароитида шираларни зарарлик иқтисодий чегараси (ЗИЧ) ўсимлик 2-балли шкалада зарарланиши қабул қилинган. Шунинг учун шираларни зарарлик даражасини ҳисобга олмасак улар ўсимликни қаттиқ зарарлаши мумкин. Ширалар билан зарарланган ғўзалар баҳорда ўсиш ривожланишдан тўхтади барглари бужмайиб қолади. Ғўза ҳосил органилари тўкилиб кетади. Кузда эса ширалар ажратган суюқликлар таъсирида пахта толаси ифлосланади. Кўпчилик олимларни таъкидлашича ғўзани энг кўп полиз шираси (75- 80%) кейин беда шираси (15-20%) ва ниҳоят катта ғўза шираси (5-10%) зарарлайди. Умуман булардан кўриб турибдики шираларни зарарлилик хусусияти жуда катта экан. Уларни зарарлик иқтисодий чегарасини (ЗИЧ) ҳисобга олган ҳолда уларга ўз вақтида уйғунлашган химоя чорасини қўллаш биринчидан табиатдаги мувозанатни тўғрилаш иккинчидан эса пахта ҳосилини нобудгарчиликни олдини олишда катта аҳамиятга эга. Юқоридагилардан келиб чиқиб биз ғўза шираларига қарши экологик тоза ва арзон кураш чорасини қўллаш маъқул деб ҳисобладик.

Ғўза шираларини табиий қушандаларини ривожланиш динамикаси (100-ўсимлик ҳисобида дона)

Кузатиш кунлари	Назорат		Тажриба 10% аммофос	
	Хон қизи	олтинқўз	Хон қизи	олтинқўз
10. V	-	-	-	-
20.V	8	3	8	4
1 .VI	24	18	29	19
10. VI	39	22	37	19
20.VI	47	34	52	28
1 .VII	36	38	41	43
10. VII	32	32	28	29
20. VII	21	23	19	21

1.VIII	24	15	27	12
10.VIII	13	18	8	10
20.VIII	22	22	34	14
1.IX	8	15	16	14

Тажриба майдонида ўрганилган этомофагларни ривожлани динамикаси. Табиий энтомофаглар ғўза шираларини сонини камайтиришда катта аҳамиятга эгадир. Тажриба майдонимизда шираларни асосий энтомофаглар кузатилди ва олтинкўз кўпрок учради. Энтомофаглардан биринчи бўлиб хон қизи пайдо бўлди. Унинг ривожланиши май ойининг 2-чи ўн кунлигида бошланди. Хонқизини энг кўп учраган вақти июнь ойига тўғри келди. Бунда 100 ўсимликда 52 та хон қизи борлиги аниқланди. Кейин хонқизини сони камайиб борди. Лекин мавсум охиригача кам миқдорда бўлсада учраб турди. Олтинкўз тажриба майдонида июнь ойининг бошларида пайдо бўла бошлади. Июнь ойининг бошларида олтинкўзни сони 43 дона (100-ўсимлик ҳисобида)га етди ва шундан кейин секин камайиб борди.

Ғўза шираларига қарши уйғунлашган кураш чоралари. Ҳозирги вақтда ўсимликлар ҳимоясида ташкилий агротехника, кимёвий биологик ва бошқа кураш тадбирларини таккослаб қўллаш яъни уйғунлашган ҳимоя системасини кенг қўллашга катта эътибор берилмоқда. Уйғунлашган курашни қўллаш фақат ҳосилни сақлабгина қолмасдан уни оширади, табиатдаги мувозанатни сақлайди, табиатдаги фойдали хашаротларни кўпайишига ёрдам беради ва энг асосийси атроф-муҳитни захарли моддалар билан ифлосланишини кескин камайтиради. Уйғунлашган кураш усулида ташкилий хўжалик ва агротехник тадбирларни айниқса зараркунандалар ва уларни табиий кушандаларини қишлоқ қалинлиги ва қишлашдан чиққандан кейинги миқдори ва тарқалиш майдонини аниқлаш экинлардан бўшаган ерларни ўз вақтида ва сифатли шудгорлаш ва бошқа агротехник чораларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш зараркунандаларни сонини камайтиришда аҳамиятга эга. Агротехник усул ғўзада унинг зараркунандаларга қарши қўлланилаётган кимёвий воситаларни кескин камайтиради. Шу билан биргаликда ғўза ҳосилини оширади. Ўз вақтида ерни шудгорлаш зараркунандаларни қишлоқ фазасини 50% гача йўқотади.

РЕФЕРЕНСЕС

1. Алимухамедов С.Н., Ходжаев Ш.Т. Ғўза зараркунандалари ва уларга қарши кураш. Т. 1980.
2. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш тизими ва унинг таркибидаги биологик усулнинг тузилиши ва моҳияти. Тошкент-2013.
3. Муҳамадалиев Ш.С., Сулаймонов Б.А. ва Рашидов М.И. Экинлар зарарли организмлари ривожланиши ва тарқалишининг башорати. Тошкент-2002.